

ШАРТНОМА № 149
(транспорт хизмати курсатиш тугрисида)

«07» 06 2022 йил

Наманган шаҳар

Бизларким, куйида имзо чекувчилар бир томондан «Намангандонмахсулотлари» АЖ номидан жамият Бошқаруви раиси А.Махмудов келгусида «Буюртмачи» деб юритилади, иккинчи томондан «TRADE ACTIVES» МЧЖ раҳбари _____ кейинги уринларда «Бажарувчи» деб юритилади ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздик:

1. Шартноманинг мазмуни

1.1 «Бажарувчи» 07.06.2022 йил кунги №96513-сонли лот электрон биржада ғолиб чиқиб (197 340 000 сўмлик Автотранспорт юк ташиш хизмати курсатиш) ўзига тегишли давлат рақами 50 R 152 MA, 50 R 909 GA, 50 Z 238 MA, 50 934 ABA, 50 N 532 NA, 50 023 DBA юк автомашиналарида «Буюртмачи» «Намангандонмахсулотлари» АЖ бош корхонаси элеваторда ва барча шахобчаларда бугдой махсулотини 1 соатда 60-80 тонна ташиш кувватига эга булган юк машина хизматини кўрсатади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари.

2.1 «Бажарувчи» уз зиммасига куйидаги мажбуриятларни олади:

- автомашинанинг техник жихатдан тула созланган холда иш, хизматларни сифатли бажаради.
- автомашинанинг сугуртаси, ёнилги-мойлаш материаллари, техник таъмирлаш ишларини уз хисобидан амалга оширади.
- автомашинада ҳаракат хавфсизлигини учун узи жавоб беради.
- автомашинага турли йуллар билан зарар етказилса ёки авария ҳолатлари булса узи жавобгар булади.

2.2 «Буюртмачи» уз зиммасига куйидаги мажбуриятларни олади:

- автомашинани тегишли йуналишлар асосида тула иш билан таъминлайди, .
- «Бажарувчи»нинг курсатган хизмати учун молия вазирлиги томонидан тасдиқланган прейскурант асосида ҳақ тулайди ва ушбу ҳақининг пул утказиш йули билан тулаб беради.

2.3 Ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча ҳолларда ёки шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин булган низо-келишмовчиликларни ҳал этишда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги иқтисодий-процессуал ва фуқаролик қонунчилигидан фойдаланадилар.

3 Шартнома муддати тузилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабргача амал килади.

4 Шартнома бир хил кучга эга булган икки нусхада тузилди ва томонларда бир нусхадан сакланади.

Томонлар юридик манзилгоҳлари:

«БУЮРТМАЧИ»

«Намангандонмахсулотлари» АЖ
Наманган ш, Темирйул кучаси, 5 уй
Х/Р: 202010000300208345001

АТБ «Агробанк» Давлатобод булими
МФО: 00259 ИНН: 200048234

Корхона раҳбари _____ А.Махмудов



«БАЖАРУВЧИ»

«TRADE ACTIVES» МЧЖ

Наманган ш. Косонсой кўча 26 уй
х/р 20208000505262972001

ХА Траст банк Наманган филиали
МФО: 01060 ИНН: 307625521

Корхона раҳбари _____

